



Савол:

Ассаламу алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокатуҳу мен Корейя мамлакатидан сизларга бир маслаҳатим бор. Уйланмоқчиман ўзимнинг юртимдан бир муслима қиз чақиртириб уйлансам, бунинг сабаби уйга ҳали бери кетиш нийятим йўқ агар жоиз бўладиган бўлса бунинг шартларини ёзиб юборинглар. У аммамнинг қизлари. Қариндош уруғларга уйланса бўладими, Аллоҳ таолонинг уйланишга рухсат берган кишиларни эшитганман. «Бир қавм фақат қариндош уруғлардан қиз олиб қиз беришар эдилар ва кўп қасалликларга дучор бўлишар эдилар шунда хазрати Умар розияллоҳу анҳу бегоналардан ҳам қиз олиб қиз беринглар» деган эканлар ушбу ривоятни эшитганман, жавобингизни кутаман. Яна бир саволим бор аёллар пошнаси баланд туфли кийса бўладими. Ассаламу алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокатуҳу.

Жавоб:

Ва алайкум ассалам ва роҳматуллоҳ! Ҳурматли биродар, агар уйланишга қодир бўлсангиз албатта уйланинг, Пайғамбаримиз бунга тарғиб қилганлар. Албатта юртдан сиз айтгандек, бирор қизни олиб келиб уйлансангиз бўлаверади. Бунинг йўли сиз ака-укаларингиздан ёки бирорта эр қариндошларингизни совчи қилиб юборасиз, никоҳ қилинадиган вақтда сизнинг вакилингиз, иккита гувоҳ шоҳидлигида сизнинг номингиздан ана шу аёлни қабул қилади. Никоҳ ўқилиши билан у аёл сизга тан маҳрам бўлиб қолади. Кейин уни бирон йўл билан олиб келасиз, келганидан сўнг бошқа никоҳ қилишга ҳожат йўқ.

Қариндош-уруғлардан уйланишга келсак, бу жоиз нарса. Сиз айтган нарса наслий қасалларнинг кўчиб юриши кўпроқ холаваччаларда



Ислом Нури

кузатилган бу ҳам доимо эмас. Шунинг учун у қизга бемалол уйлансангиз бўлаверади.

Баланд пошнали туфли ҳар хил бўлади. Бириси олди ҳам орқаси ҳам бирдек баланд бўлади, бу каби туфлини айбини яшириш учун маслан, қиз паканароқ бўлса, совчиларнинг кўзига узунроқ кўриниш учун кийиши мумкин эмас. Чунки бунда алдаш бор. Эрлик аёл бу каби туфлини кийса бўлаверади. Яна бир тури олди паст орқаси баланд бўлади, буни кийиш яхши эмас. Чунки, бу каби туфлилар аёлнинг думбасини орқага кўкрагини олдига чиқариб туради. Озгина ғайрати бор эркак ўзининг аёли ёки синглисининг бу ҳолатда юришини кўтаролмайди. Бу каби туфлиларнинг кўп зарарлари мавжудлиги исбот ҳам қилинган. Шайх Муҳаммад ал-Мунажжид юқоридаги сабабларга кўра иккинчи тур туфлиларни кийиш мумкин эмас деб фатво берганлар.

Ҳурмат ила ИНТ